



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 6 ноябр, шанба № 157 (804)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Жалололдин Мангуберди - озодлик, мардлик ва қудрат тимсоли



Тарихда шундай шахслар бўладики, куч ва имконият етишмаслигига, маслакдош ва сафдошларнинг камлигига, бошқа тўсиқлари қийинчиликларга қарамай, зулм ва истибдодга қарши аёвсиз курашади. Юрт озодлиги йўлида жонидан кечадиган бундай инсонларни фидойи, жасур, мард деймиш. Буюк бобоқалонимиз Жалололдин Мангуберди ана шундай инсон сифатида кишилик тарихига кирган.

Ўзбек халқи ўзининг улуг аждодларини унутмаган. Тарих силсиласида бошига қора кунлар ташган даврларда ҳам халқ ўзининг олиму уламоларини, мард фарзандларини ёдда тутди, уларнинг хотирасини муқаддас санаб келди. Истиқлолнинг буюк неъматлиги шундаки, зулмат замонларидан шарпага айланган хотира ҳозирга келиб қувёш сингари балкимокда.

Утган саккиз йил ичида қанчадан-қанча буюк зотларнинг туйини нишонладик, уларнинг хурматини баҳо келтириб, номларини яна бир бор дунёга ёйдик. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тугрисидаги қарори мана шу эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, юртимизда юбилейга катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Урганч шаҳрида Жалололдин Мангуберди ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Шовот қаналининг икки қирғоғини туташтириб, бутун бир мейморий мажмуа қад ростлади. Унинг марказида қўлини қилич дастасига кўйган Жалололдиннинг пурвиқор ҳайкали турибди. Шовотнинг нариги бетидан эса Жайхун меймонхонаси, аквапарк, теннис корти...

Айни пайтда юбилей муносабати билан Жалололдин Мангуберди номидаги жамғарма ташкил этилиб, унинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар чоп этилди, кўплаб илмий анжуманлар ўтказилди.

5 ноябр куни эса Хоразм заминидан ўзбек халқининг довурак ўғлини Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов буюк ватандошимиз юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун Урганчга ташриф буюрди. Тантаналарда ҳозир бўлган хорижий меҳмонлар, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, республикамиз ва Хоразм вилояти жамоатчилиги вакиллари Ислам Каримовни олқишлар билан кутиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуи марказида эса Жалололдин Мангубердининг маҳобатли ҳайкали пойга анвоий гуллар қўйди.

Тантанали маросимда Президент Ислам Каримов нутқ сузди. Давлатимиз раҳбари Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик туйи билан йиғилганларни муборакбод этар экан, бу зот қисқа ҳаёти давомида элу юрт равнақи, халқ озодлиги учун бемисл хизмат қилишга улгурган улуг аждодимиз эканини алоҳида таъкидлади.

Маросимда сузга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақов, Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори Жан-Луи Баке Граммон ва бошқалар халқимизнинг миллий қадриятларини, буюк аждодларимизнинг унутлабган номларини тиклаш ва жаҳонга ёйиш, ана шу боқий мерос асосида ёшларимизни Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасурлик руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Нишонланаётган катта туй ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Маросимдан сунг Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган театралашган томоша намойиш этилди.

Буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари бадиий воситаларда акс эттирилган томоша Жалололдиннинг болалигини ифодаловчи халқ уйинлари ва болалар қушиқлари билан бошланди.

Жалололдиннинг ёшлиги, шаҳзодалик даври куй ва рақсларда гавдалантирилди. Хоразмшоҳ, Намиддин Кубро, амир ва беклар ёш Жалололдин билан юрт тақдирини хусусида сўхбат қуради.

Томоша улуг саркарданинг эл-юрт озодлиги йўлида душманга қарши курашлари, жангу жадаллари, мислсиз жасоратлари акс эттирилган курунишлар билан давом этди.

Шу кунни байрам тадбирлари доирасида қадим Хивада «Жалололдин Мангуберди - Ватан, юрт ҳимоячиси» мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда нафақат мамлакатимиздан, балки йигирмадан зиёд хорижий давлатдан келган олимлар иштирок этди.

Анжуманда сузга чиққанлар Жалололдин Мангубердининг башариёт тарихида тугган бекиёс урни, инсониятга озодлик йўлида курашнинг, юртни истибдод ва зулмдан қутқаришнинг ёрқин намунасини кўрсатиб кетганини таъкидладилар.

Конференцияда Жалололдин Мангуберди ва Хоразмшоҳлар давридаги ўзбек давлатчилиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва тарихнавислик каби мавзулардаги илмий маърузалар тингланди.

Анвар БОБОЕВ, Темур ШАМАКОВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

Анвар БОБОЕВ, Темур ШАМАКОВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

Президент Ислам Каримовнинг Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сузлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Кадрли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм заминидан туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод этаман.

Ватанимизнинг кўпмиг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёзуқчилардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинчилиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёрқин хотирасида сақлаб келмоқда.

Жалололдин Мангуберди - она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Намиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Жалололдин Мангуберди - бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа ҳаётининг давомида элу юрт учун, халқ озодлиги учун сўмас хизмат қилишга улгурган улуг аждодимиздир.

Азиз дўстлар! Жалололдин Мангубердининг бекиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бешафқат саҳифаларини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас қолмаган, Хитой ва Бепоев Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забот этган, йўлида учраган шаҳарчишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин етиб, не-не шоху шаҳоншоҳлар, амиру султонлар, саркардалар юрагига ваҳми солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг.

Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб ётган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳолини ҳам бир ўзингизга тасаввур қилиб кўринг.

Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршисидан тиз чўкиб, қуллуқ қилиб яшашга тайёр эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидангиз қўллаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалололдин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг бекиёс жасорати ва қатъиятини намоян этди.

Шу пайтгача мағлубиятга учрамаган мугул лашкарига қарши ўн бир йил мутасил жанг қилди. Ва ганимларга шундай қақшатқич зарбалар бердики, хатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забот этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглари, азиз дўстлар, ана шундай қалтис ва

зиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жипислаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват иймон-эътиқод бўлиши керак?

Айтинглари, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғли юксак бўлиши керак?

Қани, айтинглари, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзининг қурбон бўлишини билатуриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқбол учун зиммасига шундай оғир қисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай иш-жонатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга етказган халқ ҳар қанча хурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносибдир.

Хурматли меҳмонлар! Қадрли дўстлар! Султон Жалололдин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамот жангларидан жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай хайрли иш беиз кетмайди. Миллат руҳи, одамзотнинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур Жалололдин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан микёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Мухтарам жамоат! Жалололдин Мангубердининг ҳаёт йўли таҳлил қилинган, ушунинг таърихидан, ушунинг воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсақ, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар билан ўқитишга ундайди.

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни қуролайдиган қанча ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчинини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамма бўлади.

Бу - ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч қим инкор этолмайди. Бунинг нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти миқосида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзингизни тугилган ўсган, ота-боболарингиз ҳоқи ётган, эртага фарзандларингиз камол топадиган тупрокнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз оғирликдан қўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстиришга, вояга етказган Ватанига қўл кўтарадиган қабих кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Тақроран айтман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамроҳан аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдирини ва келажагини учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта

оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу - ҳақиқат.

Жалололдин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёрқин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалололдиннинг бизга қолдирган яна бир даъвати шуки, у барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Қадрли ватандошлар! Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо хисса қўшган улуг зотлар ватани, «Авесто»дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ - Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур.

Бу юрт тенгсиз аллоmlар, азиз авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва пахлавонларни кўп қўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалололдин Мангубердининг бетакрор номи қолдуздек чарақлаб туради.

Султон Жалололдин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру гуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигининг тасдиғи ва тимсолидир.

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажақ авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамогимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим! Азиз қадрдонларим! Шу ҳажжонли, унутилмас даҳзаларда дунёга Мангуберди каби қаҳрамон ўғлонларни берган Хоразм элига, бутун халқимизга таъзим қиламан.

Биз бугун юртимизда Жалололдин Мангуберди хотирасини хурматлаб, муаззад ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Қуриб турганингиздек, бу улғувор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, бекиёс матонат соҳиб бўлган буюк инсоннинг сўмас шижоати мужассам топанган.

Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга хисса қўшган муҳандис ва мейморларга, моҳир усталарга, қурувчи ва боғбонларга чин қалбидан самимий ташаккурлар билдиришга рухсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аждодларимизга кўрсатаётган хурмат-эҳтиромимиздан, озод ва обод Ватан, фаровон жаҳият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жаҳонки азиз боболаримиз қатери, Жалололдин Мангубердининг ҳам руҳи пойд шод бўлғай, ишоооло.

Ишончим комилки, уларнинг ўлмас руҳи билан чарогон хонадонларимизда бугун воғна етаётган минглаб жалололдинлар юртимизга меҳру садоқат билан хизмат қилиб, унинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этади.

Ишончим комилки, дунёда буюк фарзандларни берган, киндик қони томан заминини, аждодларининг муқаддас мазорларини жонидан ҳам ортиқ қурадиган, ўз ватанига бутун борлигини бахш этишга ҳаммашга тайёр турадиган, қадоқ қўллари билан тупроқдан олтин ундираётган бундай халқнинг обрў-эътибори ва хурмати ошаверади.

Мухтарам юртдошлар! Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Ана шундай баҳодирларни камолга етказган она халқимиз мангу яшасин!

Азиз дўстлар! Бугун Хоразм заминидан қўшаюқ байрам. Вилоят дехқонлари, бутун Хоразм аҳли лафзи халлолигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун «оқ олтин» бўлиши пахта тайёрлаш режаларини шароф билан бажарди. Мана шу улкан га лаба билан сиз азизларни, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбидан табриқлашга рухсат бергайсизлар.

«Хамдўстликнинг жанубий қалқони - 99»

МДХ га аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг Ялта кенгаши қарорига мувофиқ 27 октябрдан 2 ноябргача Қирғизистоннинг Уш вилояти ва Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида кенг қуламдаги «Хамдўстликнинг жанубий қалқони - 99» қўшма команда-штаб машқлари бўлиб ўтди. Уларда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг ҳарбий қўшинлари иштирок этди.

Машқларни утказишдан мақсад халқаро терроризм тажовузига узро келишилган ҳолда қарши курашишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Яқинда Қирғизистоннинг жанубида содир бўлган воқеаларни ёдга оладиган бўлсақ, ушбу машқларнинг аҳамияти янада ойдинлашади.

Машқлар давомида Умумий хавфсизлик тугрисидаги шартнома, хавфсизликни таъминлашга доир минтақавий ва икки томонлама шартнома ҳамда битимларни баҳарши йўллари амалда синаб қурилади, Марказий Осиё республикаларининг бирига бостириб кирган босқинчилар гуруҳини тугатишга доир операцияни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида ҳарбий бошқарув органларининг биргаликдаги фаолияти усуллари, турли миллатта мансуб ҳарбий қисмларнинг тактикаси ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди.

Машқларни МДХ га аъзо давлатлар ҳарбий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича штаб бошлигининг биринчи уринбосари генерал-лейтенант Л.Мальцев бошқарди.

Шу йилнинг 3 ноябрида Фарғона шаҳрида машқларда иштирок этган давлатлар мудофаа вазирилари кенгаши бўлиб ўтди. Ушбу машқлар якуни муҳокама қилинди.

Кенгашда сузга чиққан Россия Федерацияси Мудофаа вазири, маршал И.Сергеев «Хамдўстликнинг жанубий қалқони - 99» машқларига, мақсад ва вазифаларига, иштирок этган турли хил муассасалар фаолиятининг мувофиқлаштирилишига умумий баҳо берди.

Россия Мудофаа вазири шу йилнинг август ойида Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган босқинчилар гуруҳларининг бутунлай йўқ қилинмаганини, уларнинг асосан Тожикистоннинг Қоратегин ҳудудида тўпланганини алоҳида қайд этган ҳолда, келгуси йилнинг баҳорида террорчиларнинг ҳужуми янада уюшган ва фаол бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Бу эса террорчилар гуруҳларининг Марказий Осиё ҳудудидаги хатти-ҳаракатларига барҳам беришга доир чора-тадбирлар қуриш заруриятини тугдиради. Бу ҳол террорчиларнинг қуролалини, уларга ўқ-дори ва моддий-техник воситаларнинг етказиб берилишининг олдини олади. Шунингдек, давлатлар раҳбарлиги ва парламентларни доимий равишда террорчиликка қарши қатъий чоралар қуришга даъват этиш керак, деб ҳисоблайди вазири.

Нутқини якунлар экан, маршал И.Сергеев бўлиб ўтган машқлар ва келгуси команда-штаб қўшма машқлари давлатларимиз ҳарбий қудратини оширишга муқтакам замин бўлишига ишонч билдириди. Унинг фикрича, бу тадбир босқинчи тудалар билан курашда муҳим босқич бўлиб қолади.

Кенгашда сузга чиққан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-полковник Ҳ.Турсунов бўлиб ўтган машқлар мобайнида Ўзбекистоннинг ҳарбий қўшулари яхши амалий тажриба орттирганини ва зарурат тугилган тақдирда, қаерда бўлмасин, террорчиларга қақшатқич зарба беришга, Ватанимиз сарҳадларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Генерал-полковник Ҳ.Турсунов Боткен йўналишидаги террорчилар гуруҳларини тамомлай йўқ қилишга эришилганлигини қайд этди. Босқинчиларнинг яна қайтиб келиб, ўз шартларини утқазиб, зуравонлик ва террорни авж олдириш ниъати кучли. Аммо террорчилар шуни қатъий билиб қўйишлари керакки, машқларда иштирок этган Ўзбекистоннинг ва бошқа давлатларнинг ҳарбий қўшулари нафақат тажовузга журъат этган босқинчиларга, балки, энг аввало, уларнинг базаларига, қароргоҳларига ва алоқа йўлларида биргаликда қақшатқич зарба берадилар.

(ЎЗА)

Сайлов қонунлари амалда

Бизнинг номзодлар

ЭЗГУЛИККА ТАЛПИНАР ЮРАК

Халқимиз азал-азалдан адолатни, одилликни улуглаб келган. Одил шох орузи халқнинг азалий орузиға айланган. Адолат тарозисининг паллалари тугри бўлиши эса фақатгина раҳбар ходимларнигина эмас, балки жамоат ташкилотларининг фаолиятига ҳам боғлиқ. Бунда, албатта, касаба уюшмаларининг узиға хос урни бор. Иброҳим Абдуганиев раислик қилаётган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси фаолиятини кўздан кечирарканмиз, бунга яна бир қарра амин бўламиз.

1953 йили Тошкент вилоятида туғилган Иброҳимжон урта мактабни тугатган, 1970 йили Автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди ва уни 1975 йилда муваффақият билан тамомлади. У ишни шахар ободончилик бош бошқармасига қарашли механизациялашган бошқармада мастерликдан бошлади. Кейинчалик шу даргоҳда муҳандис, иш бошқарувчи, автотранспорт бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди. 1979 йилдан 1986 йилга қадар эса Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий текшириш институтида муҳандис, аспирант, илмий ходим сифатида ишлаб боради. Кейинги йилларда эса Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг Механика ва жараёнларни бошқариш-илмий бўлимига котиблик қилди.

1995 йилдан эса Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Унинг асосий тамойили жамоат ташкилотларининг ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳар бир ҳужжат, дастур ва қонунлар ижросидаги иштирокини таъминлашдир. Ҳозирги кунда амал қиларётган кадрлар таёрлаш Миллий дастурининг ҳаётга татбиқ қилинишини кўздан кечириб бунга амин бўлиш мумкин. Иброҳим ака аввало кадрлар билан ишлашни тугри йўлга қўйган. Зиёлиларнинг ҳар бир соҳада яловбардор бўлишларини асосий мақсад қилиб олган раис виллоят, туман ва бошланғич касаба уюшмалари етакчиларини «Устоз» жамғармаси билан ҳамкорликда тузилган дастур асосида ўқитишни жорий қилди. Натижада касаба уюшма мустақиллари информатика ва ҳисоблаш техникалари билан бемалол тиллашадиган бўлишди.

У Марказий қўмита таркибидаги мавжуд касаба уюшмалари билан доимий алоқада бўлиб туриш учун электрон почта хизматини йўлга қўймоқда. Навбатдаги вазифа эса интернет тизимиға уланишдир. Шунда Марказий қўмита нафақат ўз таркибидаги уюшмалар, балки чет эллардаги касаба уюшмалари билан ҳам доимий алоқада бўла олади.

Ўзбек халқининг улуг шоири Абдулҳамид Чўлпон йигирманчи йиллардаёқ ўз ҳамкасбларини халққа яқинроқ бўлиш учун «халқ ичига юриш»га ундаган эди. Иброҳим ака ҳам кўпроқ одамлар орасида бўлиш, уларнинг дил сузларини тинглаш учун жойларда семинар ўқишлар ташкил қилишга интилади. Тегишли вазирликлар, виллоят ва туман раҳбарлари иштирокида ўтаётган бундай жонли мулоқотларнинг ижобий

таъсири сезиларли бўлмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар бошқаруви мавзусида докторлик ишнини ҳимоя қилган Иброҳим Абдуганиев касаба уюшмалари тизимини такомиллаштиришни биринчи галдаги вазифа



сифатида амалга оширмоқда. Хусусан, бир туман ёки виллоят ҳудудидаги турли тармоққа оид касаба уюшмаларини бирлаштириш, демак, уларнинг маблағини, кучини бир нуқтага йиғиш самарали натижалар бериши тайин. Бунда, албатта, туман ва виллоят касаба уюшмалари кўмиталари раислари мавқеининг ошиши, таъсир доираси кенгайиши ҳам кўзда тутилган.

Иброҳим Абдуганиев нафақат ташкилотчилик қобилиятига, балки илмий-педагогик салоҳиятга ҳам эга. У Тошкент Давлат иқтисодий университетини қошидаги Олий бизнес мактабини битирган, 50 дан ортиқ мақола ва битта монография муаллифидир. Яқинда ёзиб тугаллаган бошқарув муаммоларига бағишланган ўқув қўлланмаси ҳам эътиборга молик. Шунингдек, у Автомобиль йўллари институтининг ихтисослашган ва илмий Кенгаши аъзоси, кафедра мудири, бир неча ёш олимларнинг меҳрибон устози ҳамдир.

Ота изидан бораётган Техника университетининг иккинчи босқич талабаси Азизбек, онаси, Ўзбекистон Фанлар академияси андрокнология илмий текшириш институтининг илмий ходими, шифокор Дилдорахон опа изидан бораётган I-ТошМИ қошидаги лиқе ўқувчиси Иродахонларнинг севимли дадаси бўлган Иброҳим Абдуганиев жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. 1997 йилдан буён Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси, Тошкент шаҳар Кенгаши раиси. 1999 йил октябрда бўлиб ўтган II Курултоғда Иброҳим Абдуганиев Марказий Кенгаши раисининг биринчи уринбосари этиб сайланди.

90-Наманган сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлиғига номзод этиб курсатилган Иброҳим Абдуганиев ана шундай фазилат соҳиби. Фан машъалани боши узра баянд кўтарган, илиму зиё билан келажак йўлларини ёритишга аҳд қилган инсонлар доимо халқ манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилишига шубҳа йўқ.

К.ТЕМИРОВ

Хар бир сайловчи фақат битта номзодни қўлаб-қувватлаш учун имзо қўйишга ҳақлидир. Имзо қўйишдан олдин фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт серияси, тартиб рақами ва имзо қўйилган сана курсатилди.

Имзо варақасини, сайловчиларнинг имзолари билан тўпланган сайловчилар ташаббускор гуруҳининг вакили, имзо варақаси тўплангандан сунг узининг фамилияси, исми ва отасининг исминини курсатган ҳолда паспорт серияси ва тартиб рақамини ёзиб, имзо чекади.

Сайловчиларнинг имзолари тўпланган варақалар ҳудудлар бўйича алоҳида-алоҳида тикилиб, округ сайлов комиссиясига берилди. Округ сайлов комиссияси бу варақаларни тугри тўлдирилганини текшириб чиқиб, беш кун муддат ичида баён тузади ва Марказий сайлов комиссиясига юборди.

Сийёсий партиялар, халқ депутатлари виллоят, туман ва шаҳар Кенгашилари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг вакиллари ўзларининг мажлислари ёки йиғилишларида депутатлик ҳуқуқларини алоҳида муҳокамадан ўтказиб, қарор қабул қиладилар.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Шундан кейин депутатликка номзодни рўйхатга олиш тугрисидаги ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида ариза ёзиб, қуйидаги ҳужжатлар билан Марказий сайлов комиссиясига топширадилар:

— номзод курсатилганлиги тугрисидаги йиғилишнинг қарори;

— номзод депутатнинг розилиги тугрисидаги ариза;

рўйхатга олинганлиги тугрисида, унинг таржимаи холи, номзод этиб курсатган органнинг номи қайд этилганлиги ҳақидаги ҳабар маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Олий Мажлисининг 15 сессиясида, 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тугрисида»ги қонуннинг 25-моддаси 2 қисми 1-жум-

ҳар хил ёлгон гоёлар билан чалғитиб, уларнинг тинчлигини бузиш, миллий ва диний тарғиботларини олиб боришлари қонун билан тақиқланади. Шунингдек, сайловчиларни пул ёки бошқа буюмлар билан ўзига оғдириб олиш ҳам мумкин эмас.

Сайлов тугрисидаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришларнинг биринчи гуруҳида сийёсий

сайловчиларга яқинроқ таништиришлари учун беш нафаргача ишончли вакиллари тайинлайдилар. Округ сайлов комиссияси ҳар бир ишончли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими, иш жойи, яшаш манзилини курсатган ҳолда, ўз розиликлари билан рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради. Депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари номзод курсатилган округ сайлов ҳудудида яшамаслиги ва ишламаслиги ҳам мумкин.

Рўйхатдан ўтган депутатликка номзодларга баъзи бир ҳуқуқлар:

- 1) сайловчилар билан маҳаллий ҳокимликлар ва сайлов комиссияларининг ёрдамида ўрашувлар ўтказиш;
- 2) радио, телевидение ва маҳаллий матбуотда белул сузга чиқиш (сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан) ҳуқуқи;
- 3) сайлов округи ҳудудида давлат пассажир транспортидан текин юриш ҳуқуқи;
- 4) номзод депутат сайловга қадар уртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда хизмат вазифасини бажаришдан овоз бўлиш ҳуқуқи берилди.

Даврон АХМЕДОВ, Тошкент Давлат юридик институти проректори, доцент.

УМУМИЙ, ТЕНГ ВА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ

Конституциямиз ва қонунларимизда халқ ҳокимиятчилигининг мустақамланиши

— прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар ва бошқа ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари, судьялар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилиши тугрисидаги аризалари.

Марказий сайлов комиссияси бу ҳужжатларни қабул қилиб олган кундан бошлаб, етти кунлик муддат ичида текшириб чиқиб, қонун талабларига мувофиқлиги тугрисида хулоса беради: номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилиш сайловга 28 кун қолганда тўхтатилади.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар,

ласига қуйидагича ўзгаришлар киритилади: «Депутатликка номзодларга, сийёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар берилди. Депутатликка номзодларга ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қўлай бўлган бошқа шаклда ўрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар беради». Ушбу моддада сийёсий партияларнинг сайловда оммавий ҳаракат қилишлари учун шароит тугдириб берилган.

Лекин сийёсий партиялар депутатликка номзодларнинг фаолиятларида давлатга қарши, фуқароларни

партиялар, вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари у ёки бу шахсни Президентликка ёки депутатликка номзод қилиб курсатиш тугрисидаги ўз қарорини қай тарзда бекор қилиши, шунингдек, уни номзод қилиб курсатган сийёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда, номзодлик мақомидан махрум этиш тартибидан ҳуқуқли бўлиши таъкидланган.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганлиги тугрисида гувоҳнома олганларидан сунг ўзларининг номзодларини

Бизнинг мусоҳаба

Бизга маълум қилишларича, Жиззах виллояти бўйича сайловларда 439 минг сайловчи иштирок этиб, муносиб номзодлар учун овоз берадилар. 424та сайлов участкаларида сайловда ишлари жадал кетаяпти. Халқ депутатлари виллоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 57та округ сайлов комиссияси 267та номзодни рўйхатга олади. Шундан 12та номзод сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан курсатилди.

Мухбиримиз А.Азимов мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Жиззах виллоят бўлими раҳбари Аъзам ИХТИЁРОВ билан суҳбатда бўлиб, ундан бўлимининг бугунги фаолияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Фаолиятимизнинг асосий йўналиши республика Адлия вазирлиги тасдиқлаган Низомда белгиланган бўлиб, Олий Мажлис, халқ депутатлари виллоят, шаҳар, туман Кенгашиларига депутатликка номзод курсатиш учун ташкил этилган ташаббускор гуруҳларга, номзодларнинг узиға ташкилий, ҳуқуқий, услубий ёрдам курсатишдан иборат. Бундай ёрдам ташаббускор гуруҳларни тузишда, уларнинг сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинганда, мустақил номзодларга сайловда тadbирларни ўтказиш ишларида яққол намоён бўлмоқда. Мустақил номзодларга уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш воситалари ва усуллари тугрисида тавсиялар берамиз, уларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳуқуқларини таъминлашга қумаклашамиз, манфаатларини ҳимоя қиламиз. Шунингдек, фуқароларга, давлат ва жамоат ташкилотларига, ҳорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллариға зарур ҳолларда сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тугрисида маълумотлар берамиз.

— Бўлим ўз фаолиятида қуйи жабада қимларга таянмоқда?
— Виллоятимизда Олий

Мажлисга 9та, виллоят Кенгашига 57та, шаҳар, туман кенгашиларига сайлов ўтказувчи 332та округ сайлов

бир ярим ой ичида фуқароларнинг ўз ташаббуси билан гуруҳлар тузилиб, мажлислар ўтказиб, у ёки бу вакиллик органига номзод курсатишга ҳаракат қилганликларини, қонунда талаб қилингандек ҳужжатларни тайёрлаб, сайлов комиссияларига тақдим этганликларининг узиёқ ушбу янгиликни сайловчиларимиз нақадар яхши қаршилаганликларидан далолат бериб турибди.

— Жамоатчилик асосида ишлайдиган маъруза бўлимига раҳбарлик қилиш сизнинг асосий вазифангиз - касаба уюш-

батчилик ташкил этилган. Ҳозирчага сайловчиларнинг жойлардаги ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатликка номзодлари курсатилган фуқаролар, умумий сайловчиларнинг 200дан ортиқ мувожаатлари бўлди. Уларнинг барчасига қониқарли жавоб берилди. Туман, шаҳар касаба уюшмалари фаоллари ишимизга ёрдам беришапти. Бу ёрдам аинқича, ўз чиқишлари билан бошқаларни ордидан эргаштира биладиган кишилардан мустақил номзодларнинг ишончли вакиллари танлашда асқотмоқда.

— Галдаги вазифалар нималардан иборат?

— Сайловларга ҳозирлик жараёни асосий босқичга кирди. Ҳозирчага виллоят, туман Кенгашилари депутатлиғига номзодликка рўйхатдан ўтганлар билан суҳбатлар ўтказдик. Эндиги вазифа - сайлов участкаларида кузатувчиларни танлаб қўйиш, сайловда ташвиқотларида бошқарувимиз аъзоларининг фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Бундай қаралганда ҳар бир партия ўз сайловолди дастурига эга. Бу ёрдам мустақил номзодлар ҳам жойлардаги вазиятдан келиб чиқиб, сайловдаги ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишмоқда. Бунда асосий мезон қилиб одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси белгилаб олинапти. Фаолиятимизнинг асосий мезони - сайловчиларимизнинг сийёсий фаолиятида. Улар халқнинг ташаббускор, билимдон, ҳар томонлама етук фарзандлари учун овоз беришларига шак-шубҳа йўқ.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

майлари виллоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосарлиги сифатидаги фаолиятини ҳалал бермайдими?
— Йўқ, асло, менимча, бу жамоатчилик фаолиятим, асосий вазифам билан уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб бормоқда. Бунда ҳуқуқшунос эканлигим қўл келаяпти. Қолаверса, етти кишидан иборат бошқарув ташкил этилган бўлиб, вазифалар узаро тақсимлаб олинган. Бошқарув аъзолари виллоятдаги адлия бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, телерадиокомпания сингари нуфузли идораларнинг раҳбарларидан иборат. Бу ишимизнинг янада самарали бўлишини таъминламоқда. Бўлимиз сийёсий виллоят ҳокимлигининг биринчи қаватида, сайловчилар учун ҳар томонлама қўлай бўлган ҳолда жойлашган. Эшигимиз сайловчилар учун доимо очик. Ҳар кун эрталаб соат 9.00дан 19.00гача нав-

барийи виллоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосарлиги сифатидаги фаолиятини ҳалал бермайдими?
— Йўқ, асло, менимча, бу жамоатчилик фаолиятим, асосий вазифам билан уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб бормоқда. Бунда ҳуқуқшунос эканлигим қўл келаяпти. Қолаверса, етти кишидан иборат бошқарув ташкил этилган бўлиб, вазифалар узаро тақсимлаб олинган. Бошқарув аъзолари виллоятдаги адлия бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, телерадиокомпания сингари нуфузли идораларнинг раҳбарларидан иборат. Бу ишимизнинг янада самарали бўлишини таъминламоқда. Бўлимиз сийёсий виллоят ҳокимлигининг биринчи қаватида, сайловчилар учун ҳар томонлама қўлай бўлган ҳолда жойлашган. Эшигимиз сайловчилар учун доимо очик. Ҳар кун эрталаб соат 9.00дан 19.00гача нав-

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари виллоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Шу сабабдан ҳозирги пайтда сайлов участкаларини тайёрлаш, жиҳозлаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Наманган виллоятининг 92-сонли Сардоба сайлов округида ҳам ана шундай ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда округ комиссияси аъзолари ўз ҳудудларида жойлашган 27 та сайлов участкасининг барчасида бўлиб қайтидилар. Улар участканинг жойлашган манзили, хоналарнинг жиҳозланиши, кабинетларнинг, сайлов қўтиларининг урнатилиши, шунингдек, сайловчилар рўйхатини тузиш жараёни билан танишдилар.

Округ сайлов комиссиясининг шундан сунг бўлиб ўтган мажлисида сайловларга тайёргарлик куриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда бу масалалар бўйича Наманган шаҳри ҳокимлигининг ахбороти тингланган. Округ сайлов комиссиясига бундай ҳуқуқ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тугрисида»ги қонунга мувофиқ берилган.

— Комиссиямиз аъзолари ва шаҳар ҳокимининг биринчи уринбосари бошчилигидаги ҳокимликнинг маъсул ходимларидан ташқари мажлисда маҳалла фуқаролар йиғини раислари, сайлов участкалари учун жой ажратган қорхона ва ташкилотлар вакиллари, сайлов участкаларига бириктириб қўйилган ташкилотлар раҳбарлари қатнашдилар, — деди 92-сонли Сардоба сайлов округи раиси, «Намангангагромушсервис» виллоят бирыашмаси раисининг уринбосари Ҳамиджон Зоҳидов. — Мажлисда қилинган ишлар ҳақида кўп гапирилди. Аммо сайлов участкалари фаолияти билан танишиш жараёнида шу нарса аниқландики, хали қилинадиган ишлар талайгина. Биз мажлис иштирокчилари диққатини айнан шу масалага қаратмоқчи эдик. Энди бизнинг энг асосий вазифамиз - сайловда ташвиқотнинг бориши, хусусан бу жараён давомида қонунчилик меъёриларининг бузилмаслиги устидан назорат қилишдан иборат.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

(УзА)

СЕМИНАР КЕНГАШ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида бўлажак сайловларда партиядан депутатликка курсатилган номзодларнинг иштирокига бағишланган семинар-

кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари виллоят, ту-

ман ва шаҳар Кенгашиларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби А.Жалолов кенгашда маъруза қилди.

МУНОСИБЛАРГА ОВОЗ БЕРАМИЗ

Бугун қай гушада бўлманг, суҳбат мавзуи бўлажак сайловларга тақалади. Бу ҳақда ҳаяжонликиб сузламаган, баҳсга киришмаган кишини учратиш қийин. Фикрлар хилма-хил. Мамлакатимизда қарор топган янги-на сайловлар тизимининг узиға хос хусусиятлари барчани мамнун этган. Сайлов участкаларида эса тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Мирзаобод туманидаги 1-мактаб биноси-

да жойлашган 114-сайлов участкасида бўлдиқ. Куринарли жойга бўлажак сайловлар тугрисидаги эълонлар битилган плакатлар илинган. Таъмирланиб, шинам жиҳозланган, сайловчилар учун қўлай шароит яратилган хона саранжом-сарийшта. Деворларга чиройли хусниҳатлар билан комиссия аъзолари, ташвиқотчилар, навбатчилар рўйхати илиб қўйилган. Мактаб директори Шаҳринисо Жумаевани ҳам шу ерда учратдик. Опа сайловда барча таш-

килий ишларга бош-қош бўлаётган экан. Сайловчилар билан мулоқотлар, номзодлар билан ўрашувлар ўтказиш учун мактаб зали тайёрлаб қўйилган. Хонада телефон, радио ва телевизор бор. Турли адабиётлар, сайловга оид мақолалар чоп этилган газеталар батартиб жойлаштирил-

ган. Пухта кундалик иш режаси мавжуд. — Тарғиботчилар сайлов тугрисидаги қонунларни пухта биладиган кишилардан тузилган, — дейди, участка сайлов комиссиясининг котиби Мухиддин Иброҳимов. Улар маҳаллаларда бўлиб сайловнинг аҳамияти ҳақида тарғибот-таш-

виқот ишларини олиб боришарди. Худудимизда юз нафардан зиёд биринчи бор овоз бераётган аҳолида иш олиб бораёямиз. — Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Гушакни навбатчи кутарди. Кўнги-роқ қилган Навруз қургонида яшовчи Мақсуда

Жураева экан. У виллоят Кенгашига курсатилган номзодлар ҳақида маълумот беришни суради. Сайлов участкасида депутатликка номзодлар ҳақида тула маълумот бор эди. Сайловчиға қониқарли жавоб берилди. Сайлов участкасида бўлиш жараёнида ерға таширф буюрган кишилар билан суҳбатлашдик. — Мен илк бор овоз бераман, — дейди Барно Холбекова. — Шу боис сайлов участкаси билан чуқурроқ танишиш, овоз

бериш тартибини урганиш, қолаверса, номзодлар ҳақида маълумот олиш учун келдим. — Кўп сайловларда иштирок этганман, — дейди уй бекаси Насиба Иброҳимова. Бу ерда бўлгач, менинг сайлов ҳақидаги фикрларим анча узгарди. Депутатликка номзодларимиз аниқ мақсад ва иш режаларига эга эканлигидан қониқиб ҳосил қилдим.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига

Малик Муродов - филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар муаллифи. Узоқ йиллардан буён ватанимиз ва хорижий мамлакатларда халқ оғзаки ижодининг хилма-хил жанрига оид намуналарини тўплаш, тартибга келтириш, нашрга тайёрлаш, илмий тадқиқ этиш билан бирга, элшунослик, қадриятшунослик, маросимшунослик, халқ педагогикаси, болалар адабиёти билан ҳам жиддий шугулланиб келади. Шунингдек, М.Муродов - ЮНЕСКО ташкил этган «Ипак йўли - мулоқот йўли» халқаро илмий экспедициясининг аъзоси ҳам. У «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб», «Алпомиш изидан» ҳаммуаллифлик мунтазам халқаро илмий экспедициясининг ташкилотчиси ва раҳбаридир.

Мухбиримиз «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги муносабати билан профессор М.Муродовга бир неча саволлар билан мувожаат этди.

УНДА ХАЛҚИМ ЎЗЛИГИ НАМОЁН

Инсоният тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Лекин ўша даврлар нафасини бизга қандай олиб келган манбалар жуда кам. «Алпомиш» достони ҳам ана шундай ноб манбалар сирасига кириди. Унинг бугунги кунга қадар халқ хотирасидан ўчмаганлиги ва тилимиздан тушмаганлиги боисини қандай изоҳлайсиз?

«Алпомиш» достони азал-азалдан халқимизнинг орият, ёшлик, қахрамонлик, маънавият, маърифат, ақлий-руҳий қадриятларини қомуси бўлиб келган. Шу боис, бу эпос бадиий сўз даргалари - бахши шоирларнинг энг севиб қўйлайдиган, уларнинг бадиҳаулиги, чечанлиги ва бадиий истеъдодининг қирралари намоён бўладиган асар ҳисобланган. Шунингдек, бу эпос достончиларнинг шоирлик бешиги саналган. Халқимиз мазкур достонни ниҳоятда севиб, ардоқлаб келишининг яна бир сабаби, унда халқнинг ўзи, ўзлиги, ҳаётий фалсафаси, миллий гурури буй-басти билан акс этган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тўғрисида»ги қароридан ушбу достон ажодларимиз ижодий ҳаётида бебаҳо ёдгорлик сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиётининг намуналари ичида алоҳида урин тутиши, у мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғонши, миллий гурури ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлиги алоҳида эътироф этилиши

бежиз эмас, албатта. **Машхур эпик асарлар олдига фақат бир халқ доирасида қолмай, унинг турли кўринишдаги талқинларини яқин-узқоқ эл-элатлар ижодиёти намуналари орасида ҳам урайтиш мумкин. Шу маънода «Алпомиш» достонининг талқинлари хусусида маълумот бериб ўтсангиз.**

«Алпомиш» достони жаҳон олимларининг тадқиқотида кура турт-беш талқиндан иборат. Биринчи талқин - Қўнғирот талқини, иккинчи талқин - Ўғиз талқини, учинчи талқин - Қилчоқ талқини, тўртинчиси - Олтой талқини, шунингдек Анадули туркларининг шимол-шарқий ҳудудида, жумладан Байбурт, Эрзурум, Эрзурон ва уларнинг теваарак-агрофларида тарқалган «Китоби Дада курук» тарихидаги «Бамси Байрак» ҳикоялари, афсона-ривоятларидан иборат. Бу талқинлар туркий халқлар, хусусан ўзбек, қозоқ, турк, татар, бошқирд, Тоғли Олтой ва бошқа халқлар орасида катта эпос ҳамда афсона-ривоятлар, катта-кичик асарлар тарзида кенг тарқалган.

Домла, айна вақтда элшунос олимсиз ҳам. Балки шунинг учунми кўп кезасиз ва қатор асарларингиз шу таҳлит юзга келган. Дарвоқе, «Алпомиш» достони талқинлари тарқалган жойларда ҳам бўлиб, илмий изланишлар олиб боргансиз...

«Ҳа, қарийб қирқ йилдан ортиқ вақт ичида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, шунингдек Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон, Тоғли Олтой, Мугулистон, Ҳиндистон, Туркия, Кавказолди ва Кавказор-

лар, машхур бахши Қодир Раҳимовнинг фарзанд-шоғирдлари Қаҳхор Бахши, Абдумурод Бахши, Бахтиёр Бахши ва Баҳром Бахшилардан ҳамда бошқалардан «Алпомиш» оид «Алпомиш», «Едгор», «Бева Барчин», «Ойтовқа», «Шомурод» достонларини ёзиб олди.

Алпомиш ва достон қахрамонларига оид афсона, нақл, ривоятлар, «Алпомиш» достони билан боғлиқ жуғрофий атамалар, жой номлари, шунингдек, Алпомиш авлодлари ҳақидаги маълумотлар, катта-кичик асарлар қулга киртилди.

Юқорида «Алпомиш» туркум достонлари деган иборани беҳиз ишлатмадим. Эро, шу кунга қадар биз Алпомиш ҳақидаги икки достонни - «Алпомиш» ва «Едгор»ни, уларнинг бир қанча вариантларини билардик, холос. Ваҳоланки, Сурхондарё ва Қашқадарё бахшилари қадимдан «Алпомиш»ни туркум достонлар сифатида айтиб келганлар. Масалан, «Алпомиш», «Барчиной» ёхуд «Бева Барчин», «Едгор», «Ойтовқа» (Оловқа), «Худоёр» ёхуд «Иулчибек», «Шомурод» (Едгорнинг қайноғаси), «Хурсана» (Едгорнинг синглиси) каби «Алпомиш» туркумига оид достонларнинг қулга киритилиши экспедициянинг энг асосий кашфиётидан биридир.

Бу изланишларнинг натижасида қандай китоблар юзга келди?

Экспедиция натижасини ҳозирча бешта китобга мулжалланган «Алпомишнома» туркумининг икки китоби - «Алпомишнома» - биринчи китоби - Сурхондарё талқини; иккинчи китоби - Қашқадарё талқини «Мехнат» нашриётида юксак полиграфик безакда олий даражадаги қоғозда босилиб чиқди. Бу китоблар экспедициянинг фаол аъзоси, қашқадарёлик фольклоршунос олим, шоир, фан номзоди Абдуолим Эргашев билан ҳамкорликда ёзилди.

Шундай қилиб, илмий изланишларимизнинг илк босқичидек янгидан-янги фольклорий асарларни қулга киритиш, уларнинг бир қисмини икки ҳажман ийрик китобларда нашр этишга эришдик.

Халқ ижоди бамисоли қайнар булук. У доимо қайнаб тошибди намоён баъзеда. Маънавий ва маърифий чанқоқлигимизни қондириш учун беминнат хизмат қилмаверди. Бу улмас меросдир. Демак, илмий изланишларимиз ҳам давом этади.

Сўхбатдош: Зайниддин РИХСОЕВ.

лар, машхур бахши Қодир Раҳимовнинг фарзанд-шоғирдлари Қаҳхор Бахши, Абдумурод Бахши, Бахтиёр Бахши ва Баҳром Бахшилардан ҳамда бошқалардан «Алпомиш» оид «Алпомиш», «Едгор», «Бева Барчин», «Ойтовқа», «Шомурод» достонларини ёзиб олди.

Алпомиш ва достон қахрамонларига оид афсона, нақл, ривоятлар, «Алпомиш» достони билан боғлиқ жуғрофий атамалар, жой номлари, шунингдек, Алпомиш авлодлари ҳақидаги маълумотлар, катта-кичик асарлар қулга киртилди.

Юқорида «Алпомиш» туркум достонлари деган иборани беҳиз ишлатмадим. Эро, шу кунга қадар биз Алпомиш ҳақидаги икки достонни - «Алпомиш» ва «Едгор»ни, уларнинг бир қанча вариантларини билардик, холос. Ваҳоланки, Сурхондарё ва Қашқадарё бахшилари қадимдан «Алпомиш»ни туркум достонлар сифатида айтиб келганлар. Масалан, «Алпомиш», «Барчиной» ёхуд «Бева Барчин», «Едгор», «Ойтовқа» (Оловқа), «Худоёр» ёхуд «Иулчибек», «Шомурод» (Едгорнинг қайноғаси), «Хурсана» (Едгорнинг синглиси) каби «Алпомиш» туркумига оид достонларнинг қулга киритилиши экспедициянинг энг асосий кашфиётидан биридир.

Бу изланишларнинг натижасида қандай китоблар юзга келди?

Экспедиция натижасини ҳозирча бешта китобга мулжалланган «Алпомишнома» туркумининг икки китоби - «Алпомишнома» - биринчи китоби - Сурхондарё талқини; иккинчи китоби - Қашқадарё талқини «Мехнат» нашриётида юксак полиграфик безакда олий даражадаги қоғозда босилиб чиқди. Бу китоблар экспедициянинг фаол аъзоси, қашқадарёлик фольклоршунос олим, шоир, фан номзоди Абдуолим Эргашев билан ҳамкорликда ёзилди.

Шундай қилиб, илмий изланишларимизнинг илк босқичидек янгидан-янги фольклорий асарларни қулга киритиш, уларнинг бир қисмини икки ҳажман ийрик китобларда нашр этишга эришдик.

Халқ ижоди бамисоли қайнар булук. У доимо қайнаб тошибди намоён баъзеда. Маънавий ва маърифий чанқоқлигимизни қондириш учун беминнат хизмат қилмаверди. Бу улмас меросдир. Демак, илмий изланишларимиз ҳам давом этади.

Сўхбатдош: Зайниддин РИХСОЕВ.

Башарият умрини боқий қиладиган омиллар кўп. Тил яшаса, эл яшаши, миллатнинг мангу бор бўлиши аён гап. Қадимий қадриятлар, асрий аён-аналар унутилмас экан, халқнинг узоқ йиллар барҳақ бўлиши айна ҳақиқат. Аммо бу омилларнинг барча илдизлари бир булоқдан сув ичади. Яъни, уларнинг ҳаммаси ХОТИРА деган буюк манзилда учрашилади. Демак, аждодларин унутмаган авлоднинг келажаги буюк бўлади. Зотан, ўтмишсиз келажак йўқлиги ҳам барчагабирдек аёндыр.

Ўзбек халқининг бахти шундаки, унинг ўтмиши улуг, узоқ-узоқ тарихларга бориб тақалади. Бугун оламини лол қолдираётган ёшлар ўқиб ургангайлик фан машалларидан буюк аждодларимиз томонидан ёқилганига ҳам неча асрлар бўлди. Яна қанча авлод асотирларнинг асов отларини

нинг инграб юборишгани ҳали ҳамон қулқоқларим остида жаранглаб туради. Бойчибор пойгада ўзганида тенгдошларимнинг уни узлари чоптириб кетаётгандек қузларида лорлаган учқунлар-чи?..

Алпомишнинг алпларни мисоли каптоқдек қукка иргитиб, Барчин қўйган турт шартни ҳам бажариб, севгилисини ва ўн минг уйли Қўнғирот элини юртига қайтариб олиб келганида, қирқ кеча-кундуз туй бериб, эл кўнглини хушлаганида қувонган қалбларни, Сурхайил кампирнинг маккорона ҳийласи билан Алпомиш зиндон қилиганида, бобомнинг надомат ила соқол тутамлашлари, Қалмоққоҳнинг қора ният-

ойларни, ойлар эса йилларни қувлаб ўтди. Одамлар узгарди, олам янгиланди. Аммо «Алпомиш»га бўлган эътибор сунмайди, қизиқиб сунмайди. Достонга бўлган муҳаббат ортса орткиди, асло қаймайди. Тўғри, талабалик йилларимизда халқ оғзаки ижодининг етук билимдонни, фольклоршунос олим Муҳаммадодир Саидовнинг сабоқлари орқали «Алпомиш» достони бошига тушган оғир кунлардан бохабар бўлдик. Бироқ, халқ ушанда ҳам мустабид мафкура яловбардорларининг ман қилишларига қарамай, ўз достонини қуйлайверган, қулдан қуймай ўқийверган, туй-ҳашамларда, катта-катта

ҚАХРАМОНЛИК ЭПОСИ

минибулғайди, афсоналарнинг сирли қанотларида қукларга парвоз қилди. Ровийлар туқиган ривоятлар, бахшилар айтган достонлар момоларимиз алласидек умрбоқий, боболаримиз айтган азондек қулқоқларда мангу қолган.

Қалбларда учмас из қолдирган ана шундай улмас асарларимиздан бири қахрамонлик эпосининг ёркин намунаси бўлган «Алпомиш» достонидир. Уни эслашим билан хотирамизнинг пучмоқларида қолиб кетган болалигим жонланади. «Алпомиш» тилга олинаркан, дилда бир ажиб-лук туйилади, қалбда жўшқинлик, юракда ҳалққирини бошланади. Чўки бу достон бизнинг олов ёшлигимиз, ҳазонсиз болалик богимиз оламини билишга чанқоқ чомимиз билан боғлиқ хотиралар уммонидир...

Ушанда мен беш-олти ёшларда мурғаккина бола эдим. Аммо дадамнинг халқ китобларини, достонларни қироат билан ўқийшларини шунчалик хуш қураддимки, тун ярмидан оғса-да, қуларимга уйку келмас эди. Қуни қалта, тунга узоқ қиш кечалари бошланиши билан катта меҳмонхонамиз одамга

кутариб тортиди, тортиб қуйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғнинг катта чўққиларини оғиб ўтди, овозаси оламга кетди.

Дадамни жон қулгои билан тинглаётган издиҳом бир гувераниб қуярди. Қимдир «Уни қаранг», «Қаранг-а» деб ҳаяжонини овоз чикариб изхор этса, бошқалари бошларини сарлак-сарак қилиб ўз муносабатларини билдиришарди. Достоннинг ҳар бир сўзини қалбига жо этаётган ҳамқишлоқларимиз кузат-арқанман, назаримда, улар «Алпомиш»ни қулқоқлари билан эшитаётган одамга қараганда, достон воқеаларини бошдан кечирган, узлари гувоҳ бўлган, қузатиб турган одаларга кўпроқ ўхшашарди. Негаки, улар «Алпомиш»даги воқеа-ҳодисаларга ҳам, қахрамонларга ҳам асло бефарқ эмас эди-да...

«Ўз юртимда акамга закот бериб яшагунча, Қалмоқ юртига бориб жузья бериб яшайман», деб ун минг уйли Қўнғирот элини Қашалга бошлаб кетаётганда уларнинг эгилган бошлари сира қуз ўнгидан кетмайди. Қалмоқ алплари инилари Қоражоннинг қул-оёғини боғлаб Бойчиборнинг оёғига гулмиш уришганда достон тинглаётган қушларимиз

ларига қушиб қушмозор қилиб қарганган момонининг дуоибадларини унутиб буларимизди?..

Ушанда ҳамма болалар қатори мен ҳам савол беришни яхши қулардим. Аммо негадир саволларимни катталарга бериб, уларнинг бошини қотиришни эмас, аксинча, бу саволларга узим жавоб тоғим келарди. Бироқ, негадир Алпомиш достони билан боғлиқ саволларим жавобсиз қолиб кетмаверди. Қизиқ-да, дадам ўша узун қиш кечаларида нафақат «Алпомиш»ни ўқийарди, балки «Гуруғли» туркумига кирувчи қирқдан ортиқ ўзбекча ва туркманча достонларни ҳам, «Илон пари», «Гулнор пари», «Кунтуғмиш» сингари яна унлаб достонларни, ҳатто «Тоҳир ва Зухро», «Хамроҳон ва Хурилоқ», «Саётхон ва Хамро» каби туркман тилидаги китобларни ҳам берилиб ўқийарди. Хуш, нега унда уйимизга йиғилган издиҳом «Алпомиш»га бунчалик меҳр қўйишарди. Нега энди улар бу достонни унинг қахрамонларини бунчалик севишарди. Нега достон қахрамонлари қувонса қулиб, қайгага ботса, маъжос тортишарди.

Мана шунга ҳам неча йиллар бўлибди. Бу орада қанча сувлар оқиб, кунлар

сайилларда тинглайверган.

Ана ўша болаликдаги жавобсиз қолган саволлар хотирда тикланади. Хуш, нега? Чўки «Алпомиш» бошқа достонларда бўлгани каби ишқий ёки романтик достон эмас, ҳақиқий қахрамонлик эпосидир. Унинг қахрамони бўлган Алпомиш эса ўз элини, юртини, киндик қони томган муқаддас тупроқни азиз билгучига чин ватанпарвар инсондир. У мардликнинг, элпарварликнинг, юртига ва халқига содиқликнинг бетимсол намунасидир. «Алпомиш» халқнинг ўтмиши, тарихи, айна узидир. Шунинг учун ҳам халқ уни яхши қуради, севиб мутолаа қилади, жон қулгои билан тинглайди. Шунинг учун ҳам халқ минг йил ўтса-да, уни унитгани йўқ. Аксинча, ўз қалбига унга муносиб ҳайкал тиклаган. Бу улғувор ҳалқ йиллар ўтган сайи янада улканлашиб, диллардан дилларга қучиб бораверди. Ажабмаски, авлодларимизга миллий байроғимиз, тупроғимиздек муқаддас бўлиб қолган «Алпомиш» достонининг кейинги минг йилликларини ҳам нишонлаш насиб этса!

Темур ҚУРБОН, «Ишонч» мухбири.



Кўк юзини қоплаган, Булутлар нари кетсин. Бахт куёши порлаган, Қулишга нима етсин. Ш. АКРОМОВ олган сурат.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ҚИШЛОҚ ГАЗЛАШТИРИЛАДИ

Газетанинг шу йил 15 сентябр сониди «Хатлар - ҳаёт ойнаси» умумий сарлавҳаси остида эълон қилинган «Газга қачон ёлчиймиз?» танқидий чиқишида Деҳқонobod туманидаги Эргаш Абдуллаев номли мактаб ўқитувчилари табиий газдан ҳанузгача баҳраманд бўлмаётганликлари хусусида фикр юритган эдилар.

Тахририятимиз ушбу мақола юзасидан Деҳқонobod туман ҳокимининг биринчи уринбосари Й. Тошмиров имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди.

Газетхонлар эътироз, тақлиф-мулоқазалари туман газдан фойдаланиш бўлимида атрофлича урганиб чиқилди. Маълумки, туманда 800 хужалик табиий газдан баҳраманд бўлиб, шундан 114 нафар ўқитувчи ёнилғидан имтиёзли фойдаланиб келмоқда. Эргаш Абдуллаев номли мактаб эса Тоғайтемир қишлоғида жойлашган бўлиб, туман марказидан 40 километр олдсда. У «Қўнғирот» жамоа хужалиғи ҳудудида қарайди. Туман ҳокимининг шу йил 25 май фармойишига қура, «Қўнғирот» хужалиғи аҳолиси суюлтирилган газ билан таъминланиши керак.

Шунингдек, Тоғайтемир қишлоғини ҳам табиий газлаштириш туман ҳокимлиги томонидан режалаштирилди. Ҳозирги пайтда «Узгазлой» илмий-тадқиқот институти ушбу лойиҳа устида ишлашни ниҳоясига етказган.

Мазкур қишлоқ ҳудудида газ етказиб берувчи «Бешбулок» АГРСни шу йилнинг охиригача ишга тушириш мулжалланмоқда.

- **ТАРОЗУ** — Душанбадан чоршанбагача мансабга интилишдан холироқ юриш. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ақлий меҳнат билан шугулланиш сиз учун қони фойда бўлади.
- **ЧАЁН** — Молиявий аҳволингиз доимий иш жойингиз, эски ишонли даромад манбаи ёки қўтилмаганда дустлар, ҳомийлар ёрдами ҳисобига яшилланади. Бироқ ҳафтанинг охирида сиз ҳақингиздаги гийбат, миш-мишлар қайфиятингизни бузиши мумкин.
- **УҚОТАР** — Моддий ҳолиявий жабҳада салбий ҳолия бўлсагиз учун юлдузлар сизга «етти улач», кейин келиши нисаслаб берадилар. Ҳафта уйлашадан босилган қадамлар, ишлар билан утиши мумкин.
- **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Ҳафта сиз учун бир текис келмайди. Қанчалик ўз хисларингизни идора қила олсангиз, шунчалик олдингизда турган муаммо ва масалаларни осон ечасиз.
- **КОВГА** — Фақатгина оилада эмас, балки ишингиздан, лавозимингиздан қониқмаслигингиз ва ҳиссиётга берилишингиз ҳисобига жиддий муаммолар келиб чиқиши мумкин. Пул топиш даражиди сарфлаётган қувватингизни тиклаб туриш кераклигини эсингизда тутинг.
- **БАЛИК** — Иқтидорингиз ва тадбиркорлигингиз юзга келадиган ноҳушиқлардан қўтулишга, қимматбаҳо қўғозлар, расмий ҳужжатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

С О Ф И Я. Болгария Президенти П. Стоянов, НАТО Болгария ҳудудида ядровий база жойлаштиришни режалаштирмоқда, мазмундаги хабарларни шунчалик уйдирма, деб изоҳлади. Унинг таъкидлашича, Шимолий Альянс айна пайтда ядро қуролларини қисқартирмоқда ва янги аъзо мамлакатлар ҳудудида бундай базалар жойлаштиришни режалаштирётгани йўқ. Болгария эса

нинг фотомухбири Энри Ромерони озод этди.

Жангарилар Э.Ромерони мамлакат жануби-ғарбидаги қишлоқларнинг бирида радио ва телевидение кўмитаси вакилларига топширган. Ушбу журналистчека туманларнинг бирида матбуот аномжани ўтиказаётган чоғда жангарилар томонидан ўғирлаб кетилган эди.

Ж А К А Р Т А. Шарқий Тиморда харбийлашган гуруҳлар мазкур ўлканинг Ин-

OLAMDA NIMA GAP

бор-йўғи НАТОга аъзоликка номзод ҳисобланади.

НАЙРОБИ. БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссари бошқармаси Эфиопиядаги беш мингга яқин кениялик қочқинни ўз ватанига қайтариш тадбирини амалга ошира олмади. Хабарда айтилишича, Кения ҳукумати илтимосига қура, ушбу тадбир номаълум вақтга ортга сурилган.

Кения ҳукуматининг маълум қилишича, қочқинлар қайтмоқчи бўлган туманларда ҳамон қабилиевий мождарлар давом этмоқда. Шу боис қочқинларнинг ҳозир қайтиши хавфли.

АНҚАРА. Туркия Бош вазир Булент Ёвезит уч кунлик расмий ташриф билан Россияга жўнаб кетди. Ташриф давомида у Россия президенти Борис Ельцин, Бош вазир Владимир Путин, Давлат Думаси раиси Геннадий Селез-

нбв ҳамда Федерация Кенгаши раиси Егор Строев билан учрашди. Музокаралар чоғида икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий, харбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда «Хаворанг оқими» номи Россия табиий газини Туркияга етказиб бериш лойиҳасини амалга ошириш масалалари қурилади. Шунингдек, Кавказ минтақасидаги вазият ҳамда томонларни қизиқтирган

бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниши режалаштирилган.

АБУ-ДАБИ. Ироқ АҚШ харбийларини Форс кўрфазидан чиқиб кетишга мажбур қилиши мумкин. Ироқ президенти Саиддан Хусайн ан-Нажаф шахрида мамлакат диний уламолари билан учрашувда шундай деди. Унинг таъкидлашича, агар араб мамлакатлари биргаликда АҚШ харбийларининг минтақадан чиқиб кетишини талаб қилса ва бу борада Ироқдан ёрдам сўраса, Ироқ қўлдан келган ёрдамни амайдди.

АҚШ 1990 йилда Ироқнинг Қувайтга таъовузи тўғрисидаги қарорини қиритган эди. Ҳозир АҚШ Саудия Арабистон, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Бахрайн, Уммон ҳамда Қатарда ўз харбий базаларига эга.

(ЎЗА)

● **КҮЙ** — Ҳафтанинг дастлабки икки кунда янги ва йирик ишларга қўл уриш, узоқ сафарлар, шартномалар қабул қилиш тасвия этилмайди. Жума, шанба ва яқшанба кунлари муносабатларини ойдиллаштиришга уриниш, ҳамкорлик келишувларидан воз кечишга га турри келади.

● **БҮЗОҚ** — Ушбу ҳафтада моддий масалаларни ечишда арзиманган натижага эришасиз. Ушбу кунларда моддий талафот, оилада муаммолар, соғлигингиз, кексаёган қариндош-уруғлар масалалари безовта қилади.

● **ЭТИЗДАКЛАР** — Ҳафтанинг дастлабки кунлари турли манзилларга бориб,

МУНАЖЖИМАЛАР

ТАВБИРИ

(8 ноябрдан 14 ноябргача)

молиявий муаммоларни ҳал қиласиз. Ота-онангиз, фарзандларингиз билан муносабатларда узингизни устуи қуйишдан саклангиз.

● **КИСКИЧБАҚА** — Оилангиз, соғлигингиз, хизмат бурчингиз сиздан катта эътибор талаб қилади. Узингизни курсатишга, айниқса, ҳамкорлик алоқаларини боғлашга қўл ури-наверманг.

● **АРСЛОН** — Ҳафта ноҳушиқлари асосан хизмат, қариндош-уруғчилик, се-

Футбол

Одатда шундай бўлади, миллий чемпионат якунланган ёки якунланиш арафасида турли кишилар томонидан турлича фикрлар билдирилади ва ўтаётган мавсум яна бир бора жиддий таҳлил остида олинади. Ўзбекистон миллий чемпионатининг саккизинчи мавсуми ҳам тугаш арафасида. Миллий биринчилигимиз ўз-ўзидан бошқа мавсумлардан тубдан фарқ қилди, дейиш мумкин. Биринчидан, янги чемпион номи аниқланди, одатдагидек, ўтган йилги чемпион экс-чемпион лавозимига туширилди ва тарихимизда биринчи марта олий лига дебютанти биринчи мавсумданок кучли бешлик ичида жой олди. Бутун йил мобайнида биринчи ўрин учун талашиб келган Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси ўзининг тарихида дастлабки бор мамлакат чемпиони деган шарафли номига сазовор бўлди.

Дарвоқе, Тошкент вилояти вакиллари 1999 йилни ўзгача эхтирос билан ёдга олишлари аниқ, Зеро, Ўзбекистон чемпиони - «Дўстлик»дан ташқари биринчи лигада иштирок этган «Семурғ» ҳамда «Кимёгар» жамоалари ҳам пойтахт вилояти шарафини ҳимоя қилиб, олий лига иштирокчилари орасидан жой олишди. Биз сўзсиз «Дўстлик»нинг шарафли меҳнатлари билан биргаликда ушбу голиб жамоаларни, хусусан ўтган йили Тошкент биринчилигидан биринчи лига сари чиққан «Семурғ» (Ангрен) футболчилари, мураббийлари ва барча аъзоларини, ушбу улкан ғалаба билан табриклаймиз. Бу ҳақиқий ғалабадир. Уларга ҳам олий лигада ҳеч бўлма-са, «Самарқанд» жамоаси кўрсатган ажойиб натижалар ёр бўлишига тилакдошимиз.

Самарқандликлар дастлабки уч турда ўтган йилги кучли учлик вакиллари - «Пахтакор» (2:1), «Нефтчи» (1:1) ва «Навбахор» (3:1) жамоаларидан етти очко тортиб олганларидек, барча ушбу клуб вакилларида улкан натижа кутганди. Улар иккинчи дара ўрталарига шиддатли юриш қилиб, «Дўстлик»ка муносиб рақиб бўла олдидилар, бироқ сўнгги маррадагина озгина оқсаб, бир неча очко бой бериб қўйишди. Акс ҳолда, Махмуд Раҳимов шогирдларидан бу йил катта шов-шув кутиш мумкин эди. Биз ушбу жамоани Германия бундеслигасида бир йилдаёқ тўп суриб, мамлакат чемпиони бўлган «Кайзерслаутерн»га қиёс қилганлик авваллари... Аммо бу таъриф энди «Кимёгар» ва «Семурғ» жамоаларига насиб қилиб қолса, ажаб эмас.

Демак, миллий чемпионатимизнинг навбатдаги мавсуми тугашига бир тур қолди. 30-тур бахслари якунланган, сўнгги хотима айтади. Хозирча, чемпион номи маълум бўлса да, иккинчи ва учинчи ўрин эгалари тахминий жиҳатдан маълумдир. Ўз уйларида ғалаба қозонган тақдирларида водийнинг икки жамоаси - «Нефтчи» ва «Навбахор» одатдагидек, кучли учлик вакилларига айланади. Ўтган йилги чемпион - «Пахтакор» эса бизнингча, Ўзбекистон чемпионлигига ёт бўлган «мўъжизалар»га умид боғламай, тўртинчи ўрин билан чекланишга мажбурдир. Шунда ҳам пойтахтликлар янги чемпион - «Дўстлик»ни ўз майдонларида мағлуб этти билгиса...

Шундай қилиб, 6 октябр кунини «Пахтакор» марказий стадионида икки мавсум чемпиони ўзаро тўқнаш келиб, расман марра таёқчасини бир-бирларига топширадилар. 1998 йилги чемпион - «Пахтакор» янги чемпионга ўз ниятлари ва ўз тилакларини изҳор қилади, деган умиддамиз. Фақат, ўз натижаларини эмас...

Ҳа, мухлис, ажабланишга шовманг. «Натижалар» масаласида «Дўстлик» собиқ чемпиондан «дуо олмагани» маъкул.

Мамлакатимизнинг энг оммавий жамоаси - «Пахтакор» бу йил халқро майдонларда худди олдинги чемпион ва кубок голиблари сингари хунук аънанани давом эттириб, мухлисларни ранжитгани қолди, холос. Сезган бўлсангиз, гап энди халқро майдонларда қайд этилган натижалар хусусида боради. Биз миллий чемпионатимиз голиблари ва сўнгги хотимаси билан бироз бўлса-да таништираман бўлдик, бироқ, миллий чемпионатдаги номлар қанчалик жарангдор бўлмасин, «ташқарида» кўрсатилаётган ўйинлар барча нарсаларга ойдинлик киритади.

«Дўстлик» бу йил чемпион бўлди, аммо ушбу клуб кейинги йил Осиё чемпиони мусобақасида қандай натижа кўрсатади? Ҳамма гап шунда. Тўғри, Рустам Мирсодиқов шогирдлари мамлакатимизнинг энг яхши футболчилари сафидан зикр этилади. Бироқ, Европада бир тур қолганида, кўпгина мухассислар янги чемпион номини айтишга ботина олишмайди.

ЎША КУНИ ОРЗИҚИБ КУТАМИЗ



Чунки уларда кураш то сўнгги сонияларгача кечади. Шунинг учун ҳам ўша биринчилик голиблари халқро мусобақаларда ўзларини йўқотиб қўйишмайди ва то сўнгги сонияларгача курашадилар. Бизда эса мана неча мавсумки, чемпионни мавсум тугамасидан табриклашимизга тўғри келмоқда. Нукул шиддатли кураш олий лигадан биринчи лигага тушиб кетмаслик учун кечили одатий ҳолга айланиб қолган. 30-турдан сўнггина биз иккинчи аутсайдер номини айтиб беришимиз мумкин. Миллий чемпионатимизнинг ўзига холиги ҳам, унинг ғалати кўриниш олгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Икки йил бурун бутун мамлакатни ларзага келтираёзиб, бор-йўғи икки мағлубият билан Ўзбекистон чемпиони бўлган МХСК қани??? Олий лигадан тушиб кетиш у ёқда турсин, ҳарбийлар клуби янги мавсумни биринчи лигада «тирик қолиш» учун ўтказиб юборишди-ку. Энг алам қилгани, МХСКнинг чемпионликдан шу қадар қўйига тушиб қолганида эмас, балки ўша «олтин таркиб» деб эътироф этилган таркибининг асар қўсми бугун янги чемпион - «Дўстлик» жамоасида эканлиги... Мураббий - ўша Рустам Мирсодиқов, дарвозабон - ўша Алишер Ахмедов, майдонда ўша Ҳасанов, Курбанов, Усмонхўжаев, Давлетов, Бозоров, Топилов, Маъруфалиевлар... Бу ғалати эмасми? Энг ғалатиси эса, янги чемпион таркибиде бирорта футболчи Ўзбекистон тарма жамоаси шарафини ҳимоя қилмайди... Араб Амирликлари сари йўл олаётган тарма жамоаси таркибидан олинган ҳулоса барчани жиддий тарзда ўйга солмоқда.

Тўғри, биз бу билан дўстликчиларни қораламоқчи эмасмиз. Улар ҳақиқий профессионал жиҳатдан ўз ишларини тўғри бажаришган. Фақатгина янги чемпионнинг собиқ чемпион тақдирига шерик туғинмасликларини хоҳлаймиз, холос.

Энди ўтган йилги мамлакат чемпиони - «Пахтакор» хусусида... Пахтакорчилар бу мавсумни қутилганидек ўйнашди. Емон ҳам эмас, яхши ҳам... Аммо Ўзбекистон шарафини қитъа бўйлаб ҳимоя қилиш соатлари келганида... Жамоа Қозғистон вакили - «Қайсар»дан 0:7 ҳисобида мағлубиятга учраб қайтди?!

Биз бир пайтлари пахтакорчилар узоқ Германиядан, хозирда чемпионлар лигасида иштирок этаётган Ливеркузеннинг «Байер» клубидан 10 та жавобсиз тўп ўтказиб юборишганини айтмаямиз - гарчи ушбу натижа ҳам ўзбек футболининг қай даражада «ривожланиб кетганига» далolat қилса-да - кунлар деярли тенг деб ҳисобланган қозоқ футболчиларидан бу қадар шармандали мағлубиятга учраб қелишга уруғ бермоқдамиз. «Пахтакор» ўз уйда 5:2 га енди, бироқ инсоф билан айтганда, ҳеч ким кераксиз ғалабани эсламайди ва бир умр статистик маълумотларда ўзбекистон чемпиони 0:7 га енгилганини қузатишимизга тўғри келади. «Пахтакор» бундан икки йил муқаддам Туркманистон вакилларидан ҳам 5 та жавобсиз гол ўтказиб қайтганди, аммо ўшанда жавоб учрашувида 6 та тўп киритишга муяссар бўлинганди. Бироқ, бу сафар пахтакорчилар 7 та (!) гол уришганида ҳам, мухлислар ғазабли нигоҳларини ўзгартирмасликларига 120 фоиз ишонгандик.

Мана сизга Ўзбекистон чемпионларининг аҳволи, бири икки йилдаёқ иккинчи лигага тарадуд қиришни бошласа, бири халқро майдонларда мамлакатимиз шарафини «дашхатли» тарзда ҳимоя қилмоқда.

Биз «Дўстлик»ка ана шу «аъна»ларнинг давомчиси бўлиб қолмасликларини ният қилибгина ушбу жумлаларни ишлатишга мажбур бўлдик. «Дўстлик» сафидан бир неча футболчининг Болгария, Греция ва бир қатор Европа давлатлари клубларига тақлиф этилганлиги, ҳамюртимиз Максим Шацкининг Киевнинг «Динамо» жамоасида мустаҳкам ўрин эгаллаши ва Чемпионлар лигасида тўртта гол уриши сўзимизга далил бўла олади. Яқиндагина Миржалол Қосимовнинг собиқ жамоаси - «Алания»га қайтиб, қатор ўйинларда муҳим гол ураётганлиги ҳам юртдошларимиз учун қувонарли ҳолдир. Аммо яна бир бора таъкидлаб айтаемиз, биз муваффақиятсизликларимизни фақатгина янги чемпион - «Дўстлик» учун дарслик сифатида эслатиб ўтдик. Зеро, юрт шарафини биринчи навбатда тарма жамоа ҳимоя қилса, кейинги ўринда миллий чемпионат голиблари юқори шохулар сари олиб чиқади. Тарма жамоамиз бу масалада илгарироқ ишга киришадиган кўринади.

Кечагина «Норвегия футбол»и дейилганида деярли кўпчилик учун эриш туюларди, бугун эса унинг тарма жамоаси ва Чемпионлар лигасида ажойиб натижалар кўрсатаётган «Русенборг»и ҳаммани қорли ўлкага хурмат билан қарашга мажбур этмоқда. Келинг, азизлар, оқ айиқлар уйи саналган воҳа вакиллари ўз обрўларини барпо этиш учун одимлаётган бир пайтда, биз ҳам 1994 йилда қўлга киритган обрўмизни тиклаш учун-да ўзимизда куч топа билайлик. Зеро, тарма жамоамиз ҳам, янги чемпионимиз ҳам бу вазифани адо этиш учун арзийдиган ва ажойиб жамоадир. Биз ўша кунни орзиқиб кутамиз.

Хайрулла ҲАМИДОВ

Шахмат ажойиботлари

Номи қийин бир идоранинг бошлиғи шахматчиларни йилги. Қўшни муассаса билан бўладиган учрашув кунини яқинлашиб қолган эди-да!
— Хўш, қандай ўйнашимиз?— жиддий қиёфада сўради бошлиқ.

Гапиргандан гапирмаган яхшироқ, дегандек, ҳеч ким чурқ этмасди. Бошлиқнинг дилида: ёшлиқнинг охири, қарияликнинг боши, деб қандайдир кириб ўйнаш ёки ўз обрўини тўқмай қўя қолишдек икки хил фикр жўш уради. Агар команда капитани астагина олдиға келиб, жамоа номидай илтимос қилса, бошлиқ гап эди... Капитан бўлса безарий турари: бошлиқнинг ақволик бобида тенги йўқ эканлигини у ақш биларди-да!

Хўш, деди бошлиқ, бўлмаса шахматнинг умуман аҳамияти ва айниқса идорамиздаги моҳияти ҳақида икки оғиз сўз. Бугунги кунда шахмат фронтдаги ғалаба ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳимроқдир! У идорамизнинг мустақил маъмурий идора сифатида иш қўраётгани мақсадга мувофиқ эмас, деган бемаза гапларга кескин зарба беради. Энг муҳими шуки, ҳамма ановликка барҳам бериши, сипоҳу пидедаларидан бохабар бўлиб туриши керак. Бу гаплар сизга ҳам тааллуқли, деди бошлиқ команда капитанига совуқина қараш қилиб.


Масаланинг бу томонидан кўнгли тинчиган бошлиқ тобора яқинлашиб келаётган матчининг стратегик муаммоларига ўтди.
— Футболчиларимиз Мексикада бошдан кечирган воқеаларни назардан қочирмасликлари лозим, - деб оғоҳландирди у, - худди киевликлардек ўйнаш керак. Майдон ўзимизники-ку, деб қатта кетмаслик, яккам-дуккам ҳолда олға интилмастик даркор. Имконият туғилди дегунча, ҳар қандай вазиятдан туриб бўлса ҳамки, рақиб шохни нишонга олинсин. Бутун куч билан, жамоа бўлиб ҳужумга ўтилсин. Ҳимояда ҳам худди шундай. Хозирги замон усулларидан, айниқса, таъкиб усулидан илоҳий борича яхшироқ фойдаланиб, имкони борича рақибни «ютиб» ташлаш керак. Шахмат доналарини универсаллаштириш масаласига келганда шунини айтиш кераки, бу кейинчалик амалга ошадиган нарсас. Хозирги кунда от олтигина турибди: унга филнинг ишини юклаб бўлмайди. Бўлажак матчада ўйинчиларнинг техник жиҳатдан тайёргарлиги катта аҳамият касб этди. Оёғи қуйган товукдек ўзини ҳар қаттакча урадиган, аммо қўлидан бирор иш келмайдиган фарзидан нима фойда? қадди-қоматини келтириб гапириб жон бўлса, фарзинини аввало гол уришга чикарган.
— Энди охири сўзим шуки, бўлажак учрашувнинг му-

М.МУХИТДИНОВ

ҳим эканлигини ҳисоба олган ҳолда, иштирок этишчиларнинг муқофотлаш масаласини ўйлаб кўрамиз. Албатта, ҳеч кимга уч хонали квартира ваъда этолмаймиз, бу ишда хозирча футболдан оққадамиз. Лекин, базми бир резаллар ҳам йўқ эмас. Учрашувга қаттиқ тайёргарлик учун команданинг барча аъзолари уч кунга ишдан озод этилади. Қани энди, Браверинлар, кўнгли эзилган, хордик чикаришлар... Энг муҳими - бўлажак матчи нунтинлар. Сўнгги психологик тадқиқотларга қараганда, мусобақаларга тайёрошлиқнинг энг яхши йўли - шу!

Бошлиқ матча келмади: банд эди-да!
Идора хизматчилари 8:2 ҳисобида голиб чиқдилар. Эртасига бошлиқнинг кабинети байрам тусини олди. Илгарти тайнлаб қўйилган ишлар чикариш кенгашини қолдиришга тўғри келди. Унинг ўрнига шахмат командасининг мажлиси бўлди. Бошлиқ нуқ сўзлади:

— Тўғри йўл-йўриқ - муваффақият гарови, деб шунини айтдилар-да, - деди у хурсанд бўлиб. - Ўйинини ташлаб ўйнаганидан ҳамма ҳам роса чарчади, албатта. Баъзи ўйинлар икки-уч соатлаб қўзилди-я! Бу ахир, ҳазил гапми! Идора ўз қаҳрамонларини сира ёддан чикармайди. Ўзини кўрсатганларга санаторий йўланмаси сотиб олиш учун маблағ топишга ҳаракат қилаемиз. Ҳа, бироз шифо топсинлар, янги учрашувларга куч тўплаб олинсинлар. Энг муҳими, янги техникдан, чунончи, телевидениедан фойдаланмоғимиз лозим. Масалан, мен кечаги матчи кўриб ўтириб, ажойиб бир янгилик тайёрлаб қўйдим. Ҳа, футбол матчини кўриб ўтириб-да, албатта...



Марокли машқлар
Иккала тасвирда ҳам юриш қоралардан.
Сиз қандай ўйнаган бўлардингиз?

«Мулоқот» журнали ўз ўқувчилари билан фикрлан ва дилдан сўхбатга киришганига ҳам мана ўнинчи йил кетмоқда. Ўтган бу даврда журнал мултариёлари йилдан-йилга қўлай-йўқ, унинг саҳифаларидан ўрин олаётган мавзулар қўлави ҳам тобора кенгайди. Журнал бу йиллар давомида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни дариб кўтариш билан бирга маданий ва тарихий меросимизни бугунги кун нуқтаи назаридан туриб, ҳалол ва кенг тарғиб қилишни ўзининг асосий тарғиб қилинган: «Ҳа, Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. У янги аср, янги миғ йиллик оstonасида мудраб ё хаёл суриб турганига йўқ, - деб ёзади муаллиф. - Ақсинча, у интиляпти, ҳарқат қилгилки, курашяпти. Ўз тақдирини, буюк келажакини яратиш йўлида заҳмат чекапти. Қувончи, хузурубод ва ёқўлми изтироблар оғушида яшапти.

Ўзбекистон XXI асрга интилоқда! У ўзининг бутун имкониятларини, салоҳиятини, яратувчилик иқтидорини тарозига

«МУЛОҚОТ»ГА КИРИШИНГ

мақсади деб билиб келди. Журнал халқимизнинг маънавийташқиллик мафқурасини мустаҳкамлаш йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. «Мулоқот» журнали 1999 йилда ҳам ўз аъналарига содиқ қолиб халқимиз тарихининг, муқдас адабиятининг ўрилмаган саҳифаларини ёритишга кенг ўрин берди. Бугунги кунда республикамиз ҳаётида содир бўлаётган муҳим вазифаларга ўз муносибати билан қўшилди.
Журналининг 1999 йил 5-сониде сиёсатшунос олим Нарзулла Жураевнинг «Янги асрга даъват» мақоласида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асаридеги гоьлар чуқур ва кенг таҳлил қилиниб, солиб, яна бир бор ўз қудратига тобора чуқурроқ ишонч ҳосил қилмоқда. Бу ишонч уни барча қўйилликлар, муаммолар ва мураккабликлари, енгилшга даъват этмоқда.
Журнал саҳифалариде «Шарқ аллоҳлар» - «Буюк мутасаввиқлар», «Маърифат булоқлари», «Муқаддас китоблар», «Табаррук шайлар» каби рунларда қизиқарли мақолалар, бадиий асарлар ёритилади. Шунингдек, журнал 2000 йилда ҳам халқимизнинг урф-одатларига, одоб-ахлоқу, миллий ўзига холиқ билан умуминсоний фазилатларга, халқ таълимидеги ишлохотларга бағишланган мақолаларни чоп этишни режашилашган.

ТўМАРИС ИЗДОШЛАРИ МАЙДОНДА

Жисмоний тарбия ва спортни хотин-қизлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда жасорат, адолат ва садокат рамзи - она Ватанимиз мустақиллиги учун курашган момомиз Тўмарис тимсолининг абадийлаштиришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган «Тўмарис» ўйинлари фестивали 11-13 ноябр кунлари Жиззах шаҳридаги «Сўғдиёна» Марказий спорт ўйингоҳида ўтказилади.

Бу мусобақада миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг 11 тури бўйича республикамизнинг ҳар бир вилоятдан ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ун икки нафардан иштирокчи (бир нафари етакчи, бири эса ҳакам сифатида) қатнашади. Фестивалда 12 ёшдан 50 ёшгача бўлган опа-сингилларимизнинг ўз минтақаларига ҳам миллий кийимда қатнашишлари кўзда тутилади.

Республика мусобақаларига қадар бу фестивалнинг икки босқичи - июн-июл ойлари туманларда ҳамда август-сентябр ойларида вилоятларда бўлиб ўтди. Мусобақада ногирон аёлларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, улар ўртасида шохмат баҳслари ўтказилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарориде таъкидланганидек, мусобақани ўтказишдан асосий мақсад аёлларимизни оила, давлат ва жаҳмиат қурилишдаги мавқеини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жисмоний соғлигини мустаҳкамлашдан иборат, - деди ташкилий қўмита аъзоларидан бири Абдухалил Маликов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Бундан ташқари, улуг аҳдоқларимиз қолдирган табаррук меросдан оқилона фойдаланиб, азалдан халқимиз ҳаётини ўзида мужассамлаштириб келган - миллий халқ ўйинларини қайта тиклаш, оммавийлаштиришни тарғиб ва ташвиқ қилишга ҳам хизмат қилади.

Ташкилий қўмитадан олинган маълумотларга кўра, бу фестивал ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши режашилаштирилган. Бу йилги илк мусобақанинго голиб ва совриндорлари ташкилий қўмита томонидан таъсис этилган умумий қиймати икки ярим миллион сўмлик совғаларга эға бўлишади.

«Туркистон-пресс»
Ақмал Икромов турмани 229-урта мактаб томонидан Рустам Музаффаров номига берилган 565974-рақамли шаходатнома йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

БИШИБ ҚўЙГАН ЯХШИ

Ватикан давлатининг улуг тилшуноси кардинал (Рим папасидан кейин энг юқори руҳонийлик унвони) Жузеппе Каспар Меццофантин 114 тилни ва 72 даҳжани ўз тилига таржима қила олган. У 60 тилда бемалол гапирган ва ёзган.
Тилшуносларнинг айтишича, гавайликларнинг полинезия шеваси дунёда энг содда тил экан. Чунки унда бор-йўғи 6 та ундош, 5 та униб бор. Бундан ташқари бирорта ҳам талаффузи қийин сўзалар йўқ. Аммо бу тилни ўрганиш қўпам осон эмас. Чунки атиги 11 товуш имлосидан жаҳон тиллари конструкциясидаги сўзларни тузиб кўрингчи?

Бугунги кунда Бирмада яшовчи бир кишининг исми дунёда энг қисқаси экан, яъни биргина айриш (ъ) белгисидан иборат холос.

Франциянинг шарқиде шундай шаҳарча бор. У И деб номланган.
Норвегия денгизидеги Лофотен оролида эса ўша оролдаги кўргонни А деб номланган. Шунингдек, Шарқий Рейн ерларидан оқиб ўтувчи дарёнинг номи ҳам А.
Қаранг, қорейслар, японлар, хитойларнинг исмлари энг қисқа бўлади деб юрсак, қисқа ном танлашда улардан ҳам ўтиб тушадиганлари бор экан.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибхат 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73
пейджд 088 абн. № 5108
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетани 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли теринди ва саҳифаланди. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босилган тарихи: 21.00
Тиражи: 00. 30